

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60110400 - Дефектология (Логопедия) бакалавриат таълим  
йўналишининг малака талаблари

Тошкент



**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика университети;

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, професионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2021 йил «24» 08 даги 4 -сонли йигилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 -сонли буйруги билан тасдиқланган.

**ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қондалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

**МУНДАРИЖА**

Т/р		бет
1.	60110400 - Дефектология (Логопедия) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	60110400 - Дефектология (Логопедия) бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60110400 - Дефектология (Логопедия) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1.	60110400 - Дефектология (Логопедия) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	60110400 - Дефектология (Логопедия) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	60110400 - Дефектология (Логопедия) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	60110400 - Дефектология (Логопедия) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	60110400 - Дефектология (Логопедия) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....	9
2.1.	Умумий компетенциялар.....	9
2.2.	Касбий компетенциялар.....	9
	Библиографик маълумотлар.....	12

Келишув вараги

## **1. 60110400 - Дефектология (Логопедия) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60110400 - Дефектология (Логопедия)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси.**

#### **1.1.1. 60110400 - Дефектология (Логопедия) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **60110400 - Дефектология (Логопедия)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмунни ифодалайди.

##### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётганabituriyentlar, уларнинг ота-оналари ва бошка манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60110400 - Дефектология (Логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

##### **1.2.1. 60110400 - Дефектология (Логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**60110400 – Дефектология (Логопедия)** бакалавриат таълим йўналиши умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар; умумтаълим, кўп тармокли ихтисослаштирилган ҳамда кўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотлари; болалар “Мурувват” уйлари; “Мехрибонлик” уйлари; соғлиқни саклаш вазирлиги тасарруфидаги муассасалар, умумтаълим ва давлат ташкилотлар; ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шугулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

#### **1.2.2. 60110400 – Логопедия таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- таълим жараёни; ўқитишининг педагогик технологиялари ва методлари;

- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиши методикаси;

- лойихалаштириш асосида ўкув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойихалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни;

#### **1.2.3. 60110400 – Дефектология (Логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

• педагогик;

• илмий-тадқиқот;

• маънавий-маърифий;

• ташкилий-бошқарув;

#### **1.2.4. 60110400 – Дефектология (Логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврларининг касбий вазифалари.**

60110400 – Логопедия таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

–умумий ўрта таълим мактаблари, имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед лавозимида ўрнатилган тартибда ишлаши;

–умумий ўрта таълим мактаблари, имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) педагог тарбиячиси лавозимида ўрнатилган тартибда ишлаши;

–умумий ўрта таълим мактаблари, имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларидан (мактаблар, мактаб-интернатлар) ташқари муассасаларида ишлаш;

–Давлат мактабгача таълим ташкилоти, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтинослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилоти, нодавлат мактабгача таълим ташкилотида дефектолог (логопед) лавозимида ишлаш;

–жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтинослаштирилган, кўп тармоқли ихтинослаштирилган ва кўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотида мактабгача таълим ташкилоти дефектологи ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

–таълим тизимида кабинет мудири, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

–мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист, мутахассис ва бошқа лавозимларда ишлаши;

–аниқ ва табиий фан маҳсус педагогика йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

–маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;

–ишлаб чиқариш соҳаларида, касбий таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишининг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

#### **Педагогик фаолиятида:**

– таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўкув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўкув материалларини моделлаштириш;

– яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараённада гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

– таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алокадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

– таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўкувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

– таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш қобилияtlарига эга бўлиши керак.

#### **Коррекцион-педагогик:**

- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун маҳсус таълим муассасаларида тарбиявий ишларнинг мазмуни, шакллари ва методларини билиши ва уларни амалда қўллай олиши;

- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун маҳсус таълим муассасаларида синфдан ташқари ишларнинг мазмуни,

шакллари ва методларини билиши ва уларни амалда кўллай олиши;

- ривожланишида психик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар учун маҳсус таълим муассасаларида фанларни ўқитишнинг маҳсус методикаларини эгаллаган бўлиши;

- нутқнинг фонетико-фонематик, лексик-грамматик томонидаги, ўқиш ва ёзишдаги нуқсонларни, дудукланиш ва нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини бартараф этиш юзасидан ишларни олиб боришни билиши;

- ривожланишида оғир ва кўп нуқсонга эга бўлган болалар учун уларнинг психик ва ижтимоий ривожланишини комплекс баҳолаш асосида якка ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни билиши;

- мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни ўқитишда ўйин ва интерфаол технологияларни қўллашни билиши;

- ижтимоий ҳимоя ва соглиқни сақлаш тизими тассарруфидаги муассасаларда (илк ёшдаги болалар уйлари ва “Мурувват” уйлари) коррекцион-ривожлантирувчи ишларни ташкил этиш учун шароит яратиш ва бу ишларни ташкил этишни билиши;

- инклузив таълимни амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида коррекцион-педагогик фаолиятни амалга оширишни билиши;

- ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараённида ҳимоя-педагогик кун тартибини ташкил этишни, коррекцион-педагогик фаолиятни ва бошқа ишларни болаларнинг психик ва жисмоний имкониятларини эътиборга олиб соғлигини мустаҳкамлашга қаратган ҳолда ташкил этишни билиши;

- мураккаб педагогик вазиятлар юзага келганда уларни ҳал этиш бўйича ижодий потенциалга эга бўлиши, коррекцион-педагогик жараёнларни, таълимнинг мазмуни ва методларини боланинг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда мослаштира олиши;

- табиий оғатлар ва кутилмаган вазиятларда болалар ва ўқувчиларнинг ҳатти-харакатларини тўғри ташкил этишни билиши керак.

#### **Диагностик-маслаҳат:**

- турли ёш босқичлари ва болалар ривожланишидаги турли хил нуқсонларни психологик-педагогик ва логопедик ташхис қилишнинг стандартлашган методларини, болаларни текширишни тўғри ташкил қилишни ва текширишдан олинган натижаларни якка коррекцион-ривожлантирувчи дастур тузиш ҳамда болани тегишли таълим муассасасига йўналтириш мақсадида тахлил қилишни билиши;

- коррекцион-ривожлантирувчи таъсирни самаралилигини баҳолаш мақсадида динамик кузатувни амалга оширишни билиши;

- тиббий-психологик-педагогик комиссия фаолиятини ташкил этишни билиши;

- ота-оналарга болада мавжуд нуқсонларнинг хусусиятлари ва унинг ривожланиш истиқболи ҳакидаги маълумотлар беришни, уларни коррекцион-педагогик фаолият жараёнига teng хуқуқли партнерлар сифатида

технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда маънавий-ахлокий тарбия масалалари бўйича индивидуал сұхбат ўтказиш;

миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишида, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш *қобилиятларига эга бўлиши керак*.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизmlарини ишлаб чиқиш;

атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

фиркалар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш *қобилиятларига эга бўлиши керак*.

### **2. 60110400 – Дефектология (Логопедия) таълим йўналиши бўйича бакалаврларининг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурӣ билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида кўллай билиши, ахборотларни йигиши, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустакил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиши.

#### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

- дунёқараш билан бөглиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат

сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихи ва географиясини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– табиат ва жамиятда кечайдаган жараён ва ҳодисалар ҳакида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳукукий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– ахборот йиғиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– тегишли бакалавриат йўналиши бўйича ракоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўкув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

– Махсус педагогика тарихи, таълимоти, йирик намояндалари, махсус педагогиканинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш;

– логопедия тарихи, назариясига оид билимларни эгаллаш, махсус педагогиканинг долзарб масалаларини илгай олиш ва тарбияланувчиларга етказа олиш;

– анъянавий ва ноанъянавий методлар, илгор педагогик технологияларни ихтисосликка мос фанларни ўқитиш чоғида танлай олиши, ўз фанида метод ва технологияларни ижодий кўллай олиши, фактларни таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олиш;

– ривожланишида оғир ва кўп нуқсонга эга бўлган болалар учун уларнинг психик ва ижтимоий ривожланишини комплекс баҳолаш асосида якка ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни билиши;

– ўқитишининг илмий асосларини таҳлил қилиб бориши, методик бирлашмаларда махсус таълим мазмунида соҳанинг ўрнини белгилай олиши ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишларда

маърузалар ўқиши, дифференциал таълимни йўлга қўя олиши, ўкув жараёни билан боғлик барча хужжатларни юрита олиш;

– ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ҳимоя-педагогик кун тартибини ташкил этишни, коррекцион-педагогик фаолиятни ва бошқа ишларни болаларнинг психик ва жисмоний имкониятларини эътиборга олиб соглигини мустаҳкамлашга қаратган ҳолда ташкил этишни билиши;

– инклюзив таълимни амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида коррекцион-педагогик фаолиятни амалга оширишни билиши;

– тиббий-психологик-педагогик комиссия фаолиятини ташкил этишни билиши;

– ота-оналарга болада мавжуд нуқсонларнинг хусусиятлари ва унинг ривожланиши истиқболи ҳакидаги маълумотлар беришни, уларни коррекцион-педагогик фаолият жараёнига teng хукукли партнерлар сифатида жалб эта олиши;

– илк ёшдаги болаларни психологик-педагогик томондан эрта ташхис қилишни, улар учун якка коррекцион-ривожлантирувчи дастурни ишлаб чиқиши билиши керак.

– ташвиқот ишларини олиб боришни, ўкув-методик ишлар бўйича мунозара юритишни, ривожланишида нуқсони бўлган боланинг хукукларини ҳимоя қилишни билиши;

– мураккаб педагогик вазиятлар юзага келганда уларни ҳал этиш бўйича ижодий потенциалга эга бўлиши, коррекцион-педагогик жараёнларни, таълимнинг мазмунни ва методларини боланинг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда мослаштира олиши;

– интернет тармогидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуслари ва воситаларига эга бўлиш;

– ахборотларни тўғри истифода этиш асосида мафкуравий иммунитетини шакллантириш қобилиятига эга бўлиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таяинч сўзлар:

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври менежмент, тармоклар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, коррекция, нутқ бузилишлари, компенсация, реабилитация, абилитация, имкониятлари чекланган болалар, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар.

# КЕЛИШУВ ВАРАГИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкет давлат педагогика университети

Ректор  А.Ю.Умаров

2021 йил « \_\_\_\_ »



## КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқикотлари ва илғор  
технологияларни татбик этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсанов

2021 йил « \_\_\_\_ »  
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги

 Вазир Уринбосари



Республика таълим маркази  
директори

Директор  Ш.Саттаров

2021 йил « \_\_\_\_ »  
М.Ў.